



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ФИШИНГ ВА СОҒЛИҚҚА ҚАРШИ ҚАРАТИЛГАН КИБЕР ХУЖУМЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.

Арапатов Сухроб Бахрамович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги Академияси

Магистратура тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20696793>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 11-iyun 2026 yil
Ma'qullandi: 13-iyun 2026 yil
Nashr qilindi: 15-iyun 2026 yil

KEYWORDS

кибержиноятчилик,
киберхавфсизлик, фишинг,
интернет фирибгарлиги,
кибертаҳдид, рақамли
технологиялар,
профилактика, ёшлар.

ABSTRACT

Мазкур мақолада бугунги кунда кибержиноятчиликка қарши курашиш ва профилактикасини ташкил этишининг долзарб масалалари таҳлил қилинган. Кибержиноятларнинг асосий турлари, уларнинг содир этилиш омиллари ҳамда аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида учраётган кибертаҳдидлар кўриб чиқилган. Шунингдек, кибержиноятчиликнинг олдини олиш, аҳолининг киберсаводхонлигини ошириш ва рақамли хавфсизликни таъминлашга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши ва интернет тармоғининг ҳаётимизнинг барча соҳаларига кенг кириб бориши натижасида кибермаконда содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар сони тобора ортиб бормоқда. Рақамли технологиялар иқтисодиёт, таълим, давлат бошқаруви, банк-молия ва хизмат кўрсатиш соҳаларида кенг қўлланилаётгани бир томондан қулайликлар яратса, иккинчи томондан ахборот хавфсизлигига нисбатан янги таҳдидларни ҳам юзага келтирмоқда [7].

Жаҳонда рақамлаштириш жараёнларининг жадаллашуви натижасида кибержиноятчилик трансмиллий хусусият касб этиб, давлатлар хавфсизлиги, иқтисодий барқарорлик ва фуқароларнинг шахсий маълумотларига жиддий хавф туғдирмоқда. Интернет тармоқлари орқали амалга оширилаётган фирибгарликлар, фишинг хужумлари, зарарли дастурлар тарқатиш, банк карталари маълумотларини қўлга киритиш, шахсий маълумотларни ўғирлаш ва кибертовламачилик каби жиноятлар кенг тарқалмоқда [8].

Кибержиноятчилик деганда ахборот тизимлари, компьютер тармоқлари ёки рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда содир этиладиган жиноятлар мажмуи тушунилади [6].

Кибержиноятчиликнинг бугунги ҳолати

Мамлакатимизда ҳам кибержиноятчиликнинг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Таҳлилларга кўра, сўнгги беш йил давомида ахборот технологиялари соҳасида содир

этилган жиноятлар сони 5,7 бараварга ошган. 2025 йил якунларига кўра ахборот технологиялари соҳасида 76 852 та жиноят қайд этилган бўлиб, бу кўрсаткич аввалги йилларга нисбатан сезиларли ўсишни намоён қилган.

Қайд этилган жиноятларнинг 48 фоизи ўғрилик, 47 фоизи фирибгарлик билан боғлиқ бўлиб, сўнгги беш йилда фуқароларга етказилган моддий зарар 1,9 триллион сўмдан ортиқни ташкил этган [2].

Кибержиноятларнинг кўпайишига аҳолининг рақамли ва молиявий саводхонлиги етарли даражада эмаслиги, кибергигиена қоидаларига риоя қилмаслик, юқори даромад ваъда қилувчи шубҳали таклифларга ишониш ҳамда жиноятларнинг трансчегаравий хусусиятга эга эканлиги каби омиллар таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда кенг тарқалган кибержиноят турлари ва уларнинг профилактикаси

1-жадвал

| № | Кибержиноят тури | Асосий мақсад | Профилактика чоралари |
|----|-------------------------|-----------------------------------|-------------------------------------------|
| 1 | Фишинг хужумлари | Банк маълумотларини қўлга киритиш | MFA қўллаш, ҳаволаларни текшириш |
| 2 | Зарарли APK файллар | Курилма устидан назорат ўрнатиш | Фақат расмий манбалардан юклаш |
| 3 | Онлайн фирибгарлик | Пул маблағларини ўзлаштириш | Тўлов олдида текшириш |
| 4 | Кибертовламачилик | Шахсий маълумотлардан фойдаланиш | Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш |
| 5 | Сохта трейдинг | Молиявий фирибгарлик | Лицензияланган платформалардан фойдаланиш |
| 6 | Молиявий пирамидалар | Фуқароларни алдаш | Лойиҳани ҳуқуқий текшириш |
| 7 | Сохта интернет-дўконлар | Тўловларни ўзлаштириш | Ишончли платформалардан фойдаланиш |
| 8 | Киберромантика | Ишонч орқали манфаат кўриш | Нотанишларга маълумот бермаслик |
| 9 | Ижтимоий муҳандислик | Фойдаланувчини алдаш | Кибергигиенага риоя қилиш |
| 10 | Аккаунтларни бузиш | Шахсий саҳифаларни эгаллаш | Мураккаб парол ва MFA |

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мазкур жинойтларнинг аксарияти техник заифликлардан кўра инсон омили билан боғлиқ. Шу сабабли аҳолининг киберсаводхонлигини ошириш профилактиканинг энг самарали воситаларидан бири ҳисобланади [4].

Кибержинойтчилик профилактикасининг устувор йўналишлари

Кибержинойтчиликнинг олдини олиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- аҳолининг киберсаводхонлигини ошириш;
- таълим муассасаларида киберхавфсизлик маданиятини шакллантириш;
- давлат органлари, банк-молия муассасалари ва таълим муассасалари ҳамкорлигини кучайтириш;
- кўп босқичли аутентификация (MFA) ва замонавий ҳимоя воситаларини кенг жорий этиш;
- ёшлар ўртасида интернет хавфсизлиги бўйича профилактик тадбирларни тизимли ташкил этиш;
- фишинг, ижтимоий муҳандислик ва интернет фирибгарлиги бўйича доимий огоҳлантириш ишларини олиб бориш.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, кибержинойтчилик замонавий ахборот жамияти ривожланишига жиддий хавф туғдирувчи омиллардан бири ҳисобланади. Ахборот технологияларининг ривожланиши билан бир қаторда кибержинойтларнинг янги турлари ҳам пайдо бўлиб, уларнинг содир этилиш усуллари тобора такомиллашиб бормоқда.

Шу муносабат билан аҳолининг киберсаводхонлигини ошириш, ёшлар ўртасида профилактик тадбирларни кучайтириш, ахборот тизимларини замонавий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, давлат органлари ва жамоатчилик ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда рақамли хавфсизлик маданиятини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Кибержинойтчиликка қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий, ташкилий ва техник чораларни уйғун қўллаш орқалигина рақамли муҳит хавфсизлигини таъминлаш ва фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ҳамда манфаатларини самарали ҳимоя қилиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 28 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Тошкент, 2020.
2. Беков И.Р. Кибержинойтчиликнинг криминологик тавсифи ва уларнинг олдини олиш муаммолари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ахборотномаси. – 2023. – №2.
3. Smith J. Cyberattacks on Healthcare Infrastructure: Risks and Protection Strategies // Journal of Digital Forensics & Cyber Crime. – 2024.
4. Исламов А.А. Рақамли маконда хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш // Юридик фанлар ахборотномаси. – 2025.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги Қонуни. – О‘РҚ-764, 2022.
6. G‘aniyev S.K., G‘aniyev A.A., Xudoyqulov Z.T. Киберхавфсизлик асослари. – Тошкент, 2020.
7. ENISA Threat Landscape 2024. – ENISA, 2024.
8. Verizon Data Breach Investigations Report 2025. – Verizon, 2025.
9. NIST Cybersecurity Framework 2.0. – NIST, 2024.
10. NIST Secure Software Development Framework (SSDF). – NIST SP 800-218, 2022.
11. ISO/IEC 27001:2022 Information Security Management Systems.
12. UZCERT ахборот хавфсизлиги бўйича расмий материаллари. – 2025–2026.
13. Cisco Cybersecurity Threat Trends Report 2025.
14. IBM Security. Cost of a Data Breach Report 2024.
15. World Economic Forum. Global Cybersecurity Outlook 2025.

